



НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЕОНИМЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ИДИОМАТИК ҚЎШМА СЎЗЛАР

Мирсанов Бобомурод Муҳаммадиевич,

ТошДУУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси ф.ф.ф.д. (PhD)

Калит сўзлар: номлаш, тафаккур, қиёслаш, таснифлаш, абстракциялаш, анализ, синтез, ассоциация, психология, теонимлар, политеизм, монотеизм.

Табиатда мавжуд ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳам ғоят хилма-хил ва ранг-баранг, шу билан бирга сон-саноксиз. Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот дунёсидаги бу хилма-хилликни инсон ҳали тўлиқ ўрганиб адоғига етган эмас. Бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда ва кейин ҳам давом этади. Бунинг устига, табиатдаги мавжуд ўсимликлар ва жонзотлар тузилишида, феъл – атворида, шакл-шамойилида бир-бирига ўхшаш, айни пайтда бир-бирини такрорламайдиган ноўхшаш, фарқли жиҳат ва белги – хусусиятлар бор. Инсон уларни ўрганиб бориш жараёнида уларнинг ўзига хос, ўзига мос номлар ҳам топиши зарур. Бу номлар инсоннинг зарур пайтда информация алмашуви учун, зарур пайтда тафаккур қилиши учун моддий борлиқнинг вакили сифатида ғоявий асос вазифасини ўтайди. Тилнинг тафаккур билан боғлиқ жиҳати ҳам шунда кўринади.

Номлаш жараёни ҳам инсон учун ўзига хос тафаккур жараёни ва ижод жараёни сифатида қаралиши лозим. Бунда номлаш жараёнининг билиш жараёни билан боғлиқ жараён эканлиги кўринади. Чунки номлаш жараёнида ҳам инсонга хос қиёслаш, таснифлаш, абстракциялаш, анализ, синтез ва бошқа тафаккур операциялари бажарилади. Буларсиз борлиқни ташкил этувчи нарса-ходисаларга ўзига хос ва ўзига мос ном бериб бўлмайд.

Хўп, номлаш жараёни тафаккур операциялари билан зич боғлиқ экан, бу ҳол иккиламчи номлашда қандай намоён бўлади? Мазкур саволга жавоб ҳам тафаккурнинг ўзидан қидириб топилади. Бизнингча, бу саволга жавоб ҳам

тафаккурнинг кенг амал қиладиган тури – ассоциатив тафаккурдан олинади.

Аввало, ассоциациянинг психологиядаги талқинини кўрайлик:

Ассоциация (психологияда) — муайян шароитда психологик ҳосилалар орасида пайдо бўладиган алоқа. Ассоциация инсон онгидаги аввалги турмуш тажрибалари билан белгиланадиган тасаввурлар боғланиши, шу боғланишлар туфайли онгда пайдо бўлган муайян тасаввурлар ўхшашлик, ёндошлик ва қарама-қаршилик белгиларига кўра, шунга боғлиқ бўлган бошқа тасаввурларни ҳосил қилади. Ассоциация ўтмиш тажрибаси асосида пайдо бўлиб, нарса ва воқеаларнинг объектив алоқаларини акс эттиради. Бир рухий жараённинг намоён бўлиши ассоциация туфайли иккинчи (аввалгиси билан боғлиқ бўлган) рухий жараённи вужудга келтиради (5,1; 436).

Der Mönchsfisch (*Chromis chromis*) ist ein [Riffbarsch](#) (Pomacentridae). Die Fische werden 13 Zentimeter lang, bei einer Rumpfhöhe von 2,1 bis 2,5 Zentimeter. Der Rumpf ist von auffallend großen, dunkel umrandeten Schuppen bedeckt, ausgewachsenen Tiere sind kastanienbraun, [juvenile](#) leuchtend blau. Die [Rückenflosse](#) hat 14 [Flossenstrahlen](#), davon neun bis elf weiche, die Afterflosse zwei Hart- und neun bis elf Weichstrahlen. Ihre Schwanzflosse ist tief gegabelt. [27].

Der Mönchsfisch *Chromis chromis* wird umgangssprachlich oft als Mittelmeer-Mönchsfisch bezeichnet [14].

Қалдирғоч, зубарь, роҳиба (Ласточка, зубарь, Монашка) (*Chromis chromis*) — рифсимонлар оиласининг бир тури ... Усти



сувўтлар билан қопланган тошлар орасида яшайди. Бўйи 10 смча, усти қора – жигарранг, қорни кумушранг. Тўмтоқбош, катта кўзли, кичик оғизли балиқ... Иқтисодий аҳамияти йўқ [4; 109], [13;269].

Балиқнинг *қалдирғоч, зубарь, роҳиба* дейилишини асослайдиган ишора йўқ. XXII жадвалдаги расмдан ҳам далил топиш қийин.

Эҳтимол, унинг усти сув ўтлар билан қопланган тошлар орасида яширин ҳаёт кечириши роҳибаларни узлатда умр ўтказиши билан қиёсланиши асосида юзага келган бўлса, ажаб эмас.

Die **Fadenflosser** (Polynemidae), auch **Fingerfische** genannt, sind eine **Familie** der **Carangaria**. Die ca. 40 **Arten** in acht **Gattungen** leben in tropischen und sub-tropischen Regionen weltweit im flachen küstennahen Meer und im **Brackwasser**, immer über sandigen und schlammigen Weichböden. Einige Arten wandern auch in Flüsse ein. Fünf Arten leben ausschließlich im Süßwasser [15].

Polynemus paradiseus. Ein wirklich ungewöhnlicher Fisch ist gerade Gast in unserer Anlage: *Polynemus paradiseus*. Zwei Arten der Gattung *Polynemus* haben 7 Strahlen in der ersten Rückenflosse (die meisten anderen 8), nämlich *P. paradiseus*, den Linné bereits 1758 beschrieb und der von Myers 1936 beschriebene *P. hornadayi* [16].

Жаннати бармоқсузгич (Пальцепер райский) (Polynemus paradiseus) – кефалнамолар туркумининг бир тури... Бўйи 23 смча, тангачалари йирик, осон кўчади. Кўкрак сузгичининг бир – бирдан ажралиб турадиган 7 та шуъласи бўйидан икки баробар узун. Улар туйғу органи вазифасини бажариб, лойка сувда овқат излаб топишга ёрдам беради... Ҳиндистонда овланади [4; 148-149].

Ном диний тасаввурлар маҳсули, табиатдан қиёс топилмаган балиққа жаннатдагина бўлиши мумкин деган тасаввур сингдирилган.

Die **Teufelsrochen** (*Mobulidae*) sind Salzwasserfische aus der Ordnung der Stechrochenartigen (Myliobatiformes) [17].

Teufelsrochen, Mantarochen, *Mobulidae*, Familie der **Rochen** mit 2 Gattungen und

13 Arten, die neuerdings oft als Unterfamilie *Mobulinae* den Adlerrochen (*Myliobatidae*) zugeordnet werden; leben im Gegensatz zu den meisten anderen Rochen im freien Wasser tropischer und subtropischer Meere und ernähren sich von **Plankton** und Schwarmfischen. Haben ein sehr breites, mit mehreren Reihen kleiner, spitzer Zähne bewehrtes Maul, 2 vor den Kopf ragende, lappenartige Fortsätze („Teufelshörner“) der Brustflossen, die das Einströmen des Planktons trichterartig unterstützen, eine kleine Rückenflosse, meist einen kleinen, gesägten Schwanzstachel und keine Schwanzflosse [18].

Денгиз иблислари, шохли лаппак балиқлар, манталар (Рогачевые, Дьяволы морские, Мантовые) (Mobulidae) – лаппак балиқлар туркумининг бир оиласи. Очик океанда, сув остида яшайди. Бу оиланинг вакиллари ҳозирги замон лаппак балиқларининг энг йирикларидир. Жумладан, денгиз иблиси ёки манта лаппагининг кенглиги 6,5 метрча, ўзининг оғирлиги 1,5 – 2 тоннача келади. Кўкрак сузгичи қийик, хипчин шаклидаги думи калта, бошидаги сузгичи яхши ривожланган, икки томонидан худди шохга ўхшаб олдинга чиқиб туради [4; 161].

Энциклопедик тавсифда номнинг мотивлашувига ишора берувчи аниқ маълумот келтирилмаган. Эҳтимол, бу номнинг берилишига бошидаги сузгичининг шох шаклига ўхшаб кетиши билан боғлиқдир.

Der **Seeteufel** (*Lophius piscatorius*), auch **Anglerfisch** oder **Lotte** genannt, ist ein Fisch aus der **Ordnung** der **Armflosser**. Er lebt im nordöstlichen **Atlantik** von der Küste **Marokkos** bis nach **Norwegen** und der Südküste **Islands**, aber auch bei den **Azoren**, im **Mittelmeer**, in der **Adria**, der **Ägäis** und im **Schwarzen Meer**. Er hält sich in Tiefen von 20 bis 1000 Metern auf. Seeteufel haben einen abgeflachten, schuppenlosen Körper und einen extrem großen, breiten und abgeflachten Kopf mit einem riesigen, mit kräftigen Zähnen besetzten Maul. Sie können maximal zwei Meter lang und über 50 kg



schwer werden, erreichen jedoch nur selten Längen von einem Meter [19].

Seeteufel (*Lophius piscatorius*) Der **Seeteufel** ist ein gefürchteter Raubfisch. Er wird auch **Anglerfisch**, **Lotte** oder **Baudroie** genannt. Verbreitung/Vorkommen: Seeteufel sind am häufigsten im Nordatlantik und im Mittelmeer zu finden. Merkmale: Seine Körperform ist plump und stark abgeplattet. Der Seeteufel besitzt einen breiten, abgeflachten Kopf mit einem großen Maul und nach oben gerichteten Augen. Der vordere Teil der Rückenflosse ist aufgelöst zu einzelnen Stacheln, der hintere als Flossenstrahlen. Der erste Strahl der Rückenflosse ist zu einem angelähnlichen Organ umgewandelt mit dem die Beute angelockt wird. Sind die Opfer in Reichweite, schnappt er mit seinem riesigen Maul zu. Seeteufel werden bis zu 2 m lang und über 50 kg schwer. Einige bezeichnen den Seeteufel als einen der hässlichsten Fische des Meeres überhaupt [20].

Денгиз шайтони, қармоқчи (Черт морской, Удильщик) (*Lophius piscatorius*) – қармоқчисимонлар оиласидан. Европа қирғоқларида – Қора денгиздан Баренц денгизигача тарқалган. 200 метргача чуқурликда яшайди, кам ҳаракат қилади. Бўйи 2 метрча, оғирлиги 20 килограммдан ортик. Қиёфаси денгиз шайтони деган номига яраша: лаппак боши танасининг катта қисмини ташкил этади, баҳайбат оғзидаги икки қатор якка-дукка тишлари узун ва ўткирдир. Ҳимоя ранги ва танасининг атрофидаги майда шокиллари туфайли кўзга ташланмайди, фақат бошидаги қармоғи қимирлаб туради, холос. Бирон ўлжа бу қармоқни чувалчанг деб билиб, яқинлашиб келганда, у баҳайбат оғзини катта очиб, ўлжани бир лаҳзада ютиб юборади [4; 224].

Баликқа бундай ном берилиши ҳам диний тасаввурлар билан боғланади. Шайтоннинг инсонни тўғри йўлдан оздириш учун айёрлик ишлатилиши балиқнинг ўз ғаниматини маҳв этиши учун айёрлик ишлатилишига қиёсан берилган.

Der Emperor-Kaiserfisch (*Pomacanthus imperator*), auf Englisch "Emperor angelfish" oder "Imperial

angelfish", ist ein Meeresfisch aus der Familie der Kaiserfische (*Pomacanthidae*) und der Gattung Eigentliche Kaiserfische (*Pomacanthus*). Die wichtigsten Merkmale des Emperor-Kaiserfisches: sein Körperbau ist hochrückig und seitlich abgeflacht; am unteren Kiemenrand sitzt ein kräftiger und nach hinten gerichteter Dorn (dieser Dorn unterscheidet diese Fischfamilie von den ansonsten recht ähnlichen Falterfischen); juvenile (junge) Exemplare sind dunkelblau gefärbt. Der komplette Körper einschließlich Kopf ist mit weißen und hell-bläulichen, konzentrisch geformten Ringen bedeckt; adulte (erwachsener) Exemplare zeigen abwechselnd gelbe und blaue, horizontale Streife auf den Körperflanken; Über die Augen zieht sich eine breite, tiefschwarze Augenbinde, die bläulich eingesäumt ist. Der restliche Kopf ist bläulich-weiß; die Kehle und die Region um die Brust- und Bauchflossen sind schwarz; seine Rückenflosse ist gelblich gefärbt und zeigt ein feines, bläuliches Linienmuster, die Schwanzflosse orange-gelb, die Afterflosse ist schwarz mit blauen Streifen, die Brustflossen gräulich transparent, die Bauchflossen gelblich-orange [21].

Фаришта балиқ (Рыба - ангел) (Pomacanthus imperator) – қилтишсимонолар оиласига мансуб, маржон оролларида якка ҳолда ҳаёт кечиради. Бўйи 60 сантиметрча. Ранги ўзгарувчан ва жуда чиройли, чавоғининг ранги катталарниқидан тамомила фарқ этади. Бу балиқлар овланади, гўшти мазали [4; 162].

Фаришта ҳақида муайян тасаввур бериш учун қуйидаги изоҳни келтириб ўтамир:

Фаришта — Ислом ва бошқа баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот; малак (фаришталар сон-саноксиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради) [6, IV; 329].

Бу балиқнинг номи нега фаришта балиқ деб аталиши номаълум. Эҳтимол, рангининг ўзгарувчан ва чиройлилигидадир.

Der Meerengel (*Squatina squatina*), auch als Gemeiner Engelhai bezeichnet, ist ein bodenbewohnender Hai, der an der



europäischen Atlantikküste und im Mittelmeer vorkommt. Die wichtigsten Merkmale des Meerengel: wie bei anderen Engelhaien ist auch der Rumpf des Meerengel stark abgeflacht; seine Brustflossen sind sehr breit; seine Gestalt erinnert eher an einen langen Rochen; seine hinteren Brustflossenenden sind stark gerundet; Meerengel haben 2 Rückenflossen, die sich auf dem Schwanzstiel befinden; sie besitzen keine Afterflosse; ihre 1. Rückenflosse setzt hinter den freien Enden der Bauchflossen an; der untere Lobus ihrer Schwanzflosse ist länger als der obere; ihr Körper hat eine einheitliche Grundfärbung ohne auffällige Zeichnungen; ihre Sauglöcher sind mehr als 1,5 Augendurchmesser von den Augen entfernt; sie besitzen ein endständiges Maul; ihre äußeren Nasenöffnungen sind mit einfachen Barteln versehen. Die hinteren sind verästelt; entlang ihrer Rückenmittellinie und über ihren Augen können sich kleine Dornen befinden [22].

Денгиз фариштаси (Ангел морской) (*Squatina squatina*) – “акулалар туркумининг бир тури, скватинасимонлар ёки денгиз фаришталари оиласига мансуб. Барча океан ва денгизларнинг суви илик минтақаларида ва суптропик районларида тарқалган. Саёзроқ ерларда, сув остида яшайди, кўпинча кумга кўмилиб ётади, унинг бўйи 2,5 метр, оғирлиги 72 килограммгача.

Денгиз фариштасининг танаси лаппак, тумшуги тўмтоқ. Кўкрак сузгичлари қанот каби кенг ва катталигидан унга “фаришта” деган ном берилган” [4;37-38]. Акулани денгиз фариштаси номига эга бўлиши маълум даражада изоҳланган. Эҳтимол, диний тасаввурга кўра, инсоннинг савоб ва гуноҳларини ҳисоблаб берувчи фаришталардан бирининг ўнг елкага, бирининг чап елкага кўниб туриши билан боғланса унинг қанотлари борлиги билан ҳам асосланиши ҳам мумкин.

Vampirfledermäuse, Vampire [von vampir-], Echte Vampire, Desmodontidae, systematisch den Blattnasen nahestehende Familie der Fledermäuse des tropischen und subtropischen Mittel- und

Südamerika mit den 3 Arten *Desmodus rotundus* (Gemeiner Vampir), *Diphylla ecaudata* (Kleiner Blutsauger) und *Diaemus youngi*. Vampire sind nachtaktive Nahrungsspezialisten, die mit messerscharfen Schneidezähnen die Haut schlafender warmblütiger Wirbeltiere (in der Regel unbemerkt) anritzen und das ausfließende Blut mit der Zunge auflecken. Vampire sind demnach keine Blutsauger! Das Aufsuchen eines „Opfers“ und einer geeigneten Bißstelle geschieht u.a. durch Wahrnehmung von Infrarotstrahlen (Infrarot) mit Hilfe des typischen Nasenaufsatzes (vgl. Abb.). Während der Nahrungsaufnahme registrieren Sinushaare und Mechanorezeptoren im Nasenaufsatz die Bewegungen des Opfers, um gegebenenfalls eine rasche Flucht zu ermöglichen. Die Gefährlichkeit des Bisses für das Opfer liegt in möglichen Wundinfektionen und Übertragung von Krankheiten (z.B. Pferdeseuche, Tollwut). Aus diesem Grund und weil oft auch Haus- oder Weidetiere die „Blutspender“ sind, werden Vampire bekämpft. Fälschlich auch als Vampire bezeichnet werden die Falsche Vampirfledermaus (*Vampyrum spectrum*), die Blütenvampire (Unterfamilie Phyllostercinae) und die Fruchtvampire (Unterfamilie Stenoderminae). Sie alle ernähren sich nicht von Blut und gehören zu einer anderen Fledermaus-Familie, zu den Blattnasen. Großblattnasen; Fledermäuse [23].

Арвоҳшапалаклар, вампирлар – кўршапалаклар туркумининг бир уруғи бу уруғнинг типик вакилларида бири катта арвоҳшапалак ёки вампир. Амазонка ҳавзасида кенг тарқалган бўлиб, ҳашаротхўр кўршапалаклар ичида энг катталариданди. Гавдасининг узунлиги 16 см, қанотининг ёйилгандаги кенглиги 70 смдир у ҳашаротлар ва мевалар билан овқатланади, унинг ҳақида, у ҳайвонларнинг қонини сўради, деган гап ва унга берилган ном нотўғридир [2; 27].

Айрим манбаларда бу жониворнинг тавсифида юқоридаги маълумотларга зид жиҳатлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг 2-жилдида



куйдагиларни ўқиймиз: “Фақат иссиқ конли ҳайвонлар (сут эмизувчилар, кушлар) қони билан озиқланади, одамга ҳам ҳужум қилиши мумкин” [5;2,379].

Бу зиддиятли жиҳатни ҳал қилиш зоологларнинг ишидир. Бизни кизиқтирадиган жиҳат – бу сут эмизувчи ҳайвоннинг номи нега арвоҳ билан боғланади? Буни ойдинлаштириш учун изоҳли луғатдан асос қидирамиз: **Die Schwärmer (Sphingidae)** Die wissenschaftliche Bezeichnung für diese Schmetterlingsfamilie geht auf René Réaumur zurück, der die Bezeichnung Sphingidae prägte. Er nannte diese Familie so, weil die Raupen des Ligusterschwärmers (*Sphinx ligustri*) wie auch andere Schwärmerraupen in ihrer Abwehrstellung mit aufgerichtetem Oberkörper der Sphinx von Gizeh ähneln. Carl von Linné übernahm dann diesen Namen auch für die Gattung Sphinx [25].

Der Totenkopfschwärmer (*Acherontia atropos*) ist ein Schmetterling (Nachtfalter) aus der Familie der Schwärmer (Sphingidae), dessen Hauptverbreitungsgebiet die Tropen Afrikas sind. Er kommt auch im äußersten Süden Europas vor, von wo aus er als Wanderfalter nach Mittel- und Nordeuropa fliegt. Die Art ist gemeinsam mit ihren beiden Verwandten aus der Gattung *Acherontia* innerhalb der Schwärmer einzigartig, da sie durch einen Mechanismus in der Mundhöhle pfeifende Geräusche erzeugen kann. Auch die Lebensweise der Falter, sich von Honig zu ernähren und dafür in Bienenstöcke einzudringen, ist sehr ungewöhnlich [24].

Арвоҳ капалаклар, бражниқлар (Sphingidae) — капалаклар оиласига мансуб. Ёйилган қанотларининг уз. 2 — 20 см дан ошади, танаси йўғон, сигарасимон, қанотлари калта ва ингичка, кучли мускуллар билан таъминланган. Хартуми узун, айрим тропик вакиллариники 25 см дан ортади. Арвоҳ капалаклар шом пайтида жуда фаол уча бошлаганлиги туфайли уларга арвоҳ номи берилган. Ўзбекистонда 20 тури тарқалган [5;1,397].

Изоҳли луғат бу капалакнинг изоҳига яна ҳам ойдинлик киритади.

Арвоҳ капалак одатда, кечаси чироқ ёруғига келадиган йирик қўнғир капалак (ўлган кишининг руҳи ўз уйига гўё шу капалак суратида келармиш) [6;1,94].

Шайтон маймун – маймунлар туркумининг бир тури. Кенг бурунли маймунлар кенжа туркумининг маймунлар оиласига киради [2; 204].

Бу маймуннинг тулки деган номи ҳам бор, бу унинг думининг тулкининг думида бароклиги билан боғлиқ. Энциклопедик тавсифда шайтон маймун дейилишининг сабаби очиб берилмаган. Номнинг мотивлашуви номаълум.

Paradiesvögel [von *paradies-], *Paradisaeidae*, Familie der Singvögel mit 42 urwaldbewohnenden Arten auf Neuguinea, den Molukken und in Nordaustralien; staren bis krähengroß; nahe verwandt mit den Laubenvögeln. Männchen (manche nur zur Brutzeit) mit buntem glänzendem Gefieder und bizarren langen Schwanzfedern, die sie bei eindrucksvollen Balzspielen (Balz) an ausgewählten Balzplätzen aufgerichtet zur Schau tragen; Weibchen und Jungvögel unscheinbar gefärbt. Der Königsparadiesvogel (*Cicinnurus regius*; Australien I) ist mit 16 cm Länge der kleinste, aber der am weitesten verbreitete und einer der schönsten Paradiesvögel. Der Flaggenparadiesvogel oder Wimpelträger (*Pteridophora alberti*) trägt seinen wissenschaftlichen Namen nach dem sächsischen König Albert, wie überhaupt Herrschernamen in dieser Vogelfamilie beliebt bei der Namengebung der Arten waren. Das Männchen trägt am Kopf 2 horizontal gehaltene, bis zu 50 cm lange Schmuckfedern, die aus gelappten, plastikartigen Plättchen mit braunschwarzen Unter- und perlblauen Oberseiten bestehen, hinter den Augen ansetzen und an Fähnchen erinnern. Der Göttervogel (*Paradisaea raggiana*), auch Raggiparadiesvogel genannt, gehört mit weiteren 6 Arten zur Gattung *Paradisaea*, wobei diese Art zuweilen mit *Paradisaea apoda* (*Paradisaea apoda*; ö vgl. Abb.) zusammengefaßt wurde. Mit hauptsächlich roter und gelber Körperbefiederung sowie Grün im Kopf- und



Kehlbereich wirken sie ausgesprochen bunt. Die Männchen stellen an gemeinsamen Balzplätzen ihre Schönheit zur Schau und schütteln ihre seitlichen Schmuckfedern (*Vogelfeder*) über dem Rücken; dabei lassen sie verschiedenartige Lautäußerungen hören [26].

Жаннат кушлари – чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласидир. Тузилиши жихатдан кўпроқ қарғасимонларга ўхшайди. 100 тача тури бор. Австралия ва унга яқин оролларда тарқалган жаннат кушлари ҳозирги замондаги кушлар ичида энг чиройлигидир, хусусан, эркакларининг патлари ранг-баранг ҳам чиройли бўлади. Учиш олдидан сийрак баргли

дарахтларнинг шохига гала бўлиб, йиғилишиб ҳар хил ҳаракатлар ва товушлар орқали урғочини ўзларига жалб этишга интиладилар [1;78].

Инсон бу кушларни номлаш асносида табиатдан ўхшашини тополмаган, шунинг учун *жаннат кушлари* деб ном берган.

Хуллас, теонимлар политеизм ва монотеизмнинг ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлган бўлса ҳам, улар материализм томонидан инкор этилган бўлса ҳам, инсоният тарихида муҳим роль ўйнаган тушунчаларнинг номларидир. Улар бугунги кунда айрим фанлар тушунчаларининг номи сифатида иккиламчи фаолиятини давом эттирмоқда.

Адабиётлар

1. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Кушлар. ЎзФА нашриёти: – Тошкент, 1957. – 127 б.
2. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Сутэмизувчилар). ЎзФА нашриёти: – Тошкент, 1960. – 223 б.
3. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Амфибия ва рептилиялар (газандалар). – Тошкент: Фан. 1969. – 225 б.
4. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Балиқлар ва тубан хордалилар). – Тошкент: Фан. 1979. – 276 б.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, ўн икки томлик. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент, 2006–2008.
7. Русча – ўзбекча луғат. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Тошкент – 1983.
8. Немецко-русский словарь. Под редакцией А.А.Лепинга и Н.П.Страховой. 80000 слов. Государственной Издательство иностранных и национальных словарей. – Москва. 1962.
9. Русско-немецкий словарь. Под редакцией А.А.Лепинга, Н.П.Страховой, К.Лейна и Р.Эккерта. около 53000 слов. Издательство “Русский язык”. – Москва. 1976.
10. Odil Rahmonov, Ro'zi Rahmonova. Deutsch-Uzbekisches Wörterbuch. 18000 so'z va iboralar. Akademnashr. – Toshkent. 2017.
11. Маматов Н. Ўзбек тилидаги ҳозирги қўшма сўзлар луғати. – Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 368 бет.
12. Theodor C.H.Cole. Wörterbuch der Tiernamen: Latein-Deutsch-Englisch Deutsch-Latein-Englisch. Springer-Verlag. Berlin, Heidelberg. 2000. 100 S. 973 S.
13. Касумян А.О., Павлов Д.С., Стайное поведение рыб. М.: Товарищество научных изданий КМК.2018. 274 с.
14. https://www.meerwasser-lexikon.de/tiere/2535_Chromis_chromis.htm
15. <https://de.wikipedia.org/wiki/Fadenflosser>
16. <https://www.aquariumglaser.de/fischarchiv/polynemus-paradiseus/>
17. <https://www.fischlexikon.eu/fischlexikon/biologie/familie.php.familie=Mobulidae>
18. <https://www.spektrum.de/lexikon/biologie/teufelsrochen/66102>
19. <https://de.wikipedia.org/wiki/Seeteufel>
20. (http://fischlexikon.alentejo4you.com/Box/Lophius_piscatorius.html)



21. https://www.fischlexikon.eu/fischlexikon/fische-suchen.php.fisch_id
22. https://www.fischlexikon.eu/fischlexikon/fische-suchen.php.fisch_id
23. <https://www.spektrum.de/lexikon/biologie/vampire/68979>
24. <https://de.wikipedia.org/wiki/Totenkopfschw%C3%A4rmer>
25. <https://dewiki.academic.ru/dic.nsf/dewiki/1310665#sel=43:1,43:12>
26. <https://www.spektrum.de/lexikon/biologie/paradiesvoegel/49338>
27. <https://www.biologie-seite.de/Biologie/M%C3%B6nchsfisch>

Мирсанов Б. Идиоматические сложные слова, образованные в немецком и узбекском языках на основе теонимов. В этой статье рассматриваются сложные слова, которые были сформированы на основе теонимов, их мотивация на основе энциклопедических словарей.

Mirsanov B. Idiomatic compound words formed in German and Uzbek based on theonyms. This article discusses compound words that were formed on the basis of theonyms, and their motivation on the basis of encyclopedic dictionaries.